

Олди -сотди шартномаси № 22
(озик-овкат учун)

челак шаҳри
(контракт тузилган жой)

26 январ 2022 йил
(контракт тузилган сана)

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Пайарик тумани мактабгача таълим булими номидан низоми асосида фаолият олиб боровчи Н.Зоиров бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи «Елита азия продукт» МЧЖ номидан низоми асосида фаолият олиб боровчи М.Темиров бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида тузилди.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Карам	Кг	390	3500	1365000
2	Кизил лавлаги	Кг	375	3500	1312500
3	Мош	Кг	71	13000	923000
4	Тамат	Кг	76	12000	912000
5	Олма	Кг	929	6000	5574000
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
Жами :					10 086 500

1.2. Контрактнинг умумий суммаси (Ун миллион саксон олти минг беш юз) сўмни ташкил қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 15 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартарф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: WW15032544

- савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига роя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорда жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўлалигини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торгганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда катнашиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишдан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” январигача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи	Буюртмачи
<p>Ташкилот номи : «Элита азия продукт» МЧЖ Манзил: Пайарик тумани Телефон: - Факс: - Х/Р 20208000601036415001 Банк номи: Хамкорбанк АТБ Самарқанд филиали</p> <p>СТИР коди: 306175023 ИФУТ: 71280 МФО: 01030</p> <p>Раҳбар (директор): <i>[Signature]</i> АГЕНТ <i>[Signature]</i></p>	<p>Ташкилот номи: Пайарик тумани мактабгача таълим булими Манзил: Пайарик тумани Тел.: - Факс:- СТИР коди: 207267194</p> <p>ИФУТ: Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 100022860182247091100251001 Ғазначилик бўлинмаси номи: Пайарик тумани бўйича Ғазначилик булинмаси Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒҲ): 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк тошкент ш ХККМ МФО:00014 Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами:201122919</p> <p>Раҳбар (директор): _____</p>

